O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 22-fevral, chorshanba, 8 (338)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

САХИФАЛАРНИ ВАРАКЛАГАНДА

Маданият ўчоқларининг БАҲОСИ ҚАНЧА?

2005 йилда 1 миллион 221 минг сўмлик китоб харид қилинган. Бу янги китоб олишга мўлжалланган йиллик фоннинг 1 фоизи (!) ни ташкил этади, деганидир.

2-бет

Хорижда **ХОР БЎЛДИМ**

Агар кўнмасак, очдан ўлиб кетишимизни ҳам қистириб ўтардилар. Очликдан силласи қурий бошлаган аёллар бирин-кетин таслим бўлишди. Орадан бироз фурсат ўтгач, очлик, таёқ зўридан биз ҳам тақдирга тан беришдан ўзга чора тополмадик.

4-бет

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Ҳамза тумани кенгаши ва туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллигига бағишлаб «Алишер Навоий — миллатпарвар шоир ва давлат арбоби» мавзуида тадбир ўтказилди.

***

Партиянинг Самарқанд вилояти кенгаши томонидан «Оила, маҳалла ва миллий тикланиш» мавзуида ижодий мусобақа ўтказилди.

***

ЎзМТДП Жиззах вилояти кенгаши томонидан «Юрт тинчлиги — эл бойлиги» мавзуида вилоят партия кенгаши ёшлар қанотининг тадбири ўтказилди.

***

ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан вилоят кенгашида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» маърузаси асосида йиғилиш ўтказилди.

***

Партиянинг Фарғона вилояти кенгаши томонидан Марғилон Қурилиш коллежида, «Бобур» номли маҳалла ва 20-сонли ўрта мактабларда Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан «Ўзликни англаш — олий қадрият» мавзуида тадбирлар ўтказилди.

***

Партиянинг Наманган вилоят Косонсой тумани кенгаши томонидан тумандаги «Гулистон-2» маҳалла фуқаролар йиғинида байналмилалчи жангчилар, маҳалла фуқаролари, ички ишлар ходимлари иштирокида «Тинчлик ва осойишталик — фаровонлик гарови» мавзуида тадбир ўтказилди.

***

ЎзМТДП Сирдарё вилояти кенгаши томонидан Сайхунобод туманида 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»га бағишлаб «Соғлом авлод — миллат келажаги» мавзуида тадбир ўтказилди.

Яқинда Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан "Илм-фан ва санъатда Алишер Навоий сиймоси" мавзуида шарқнинг буюк мутафаккири Алишер Навоий таваллудига бағишланган ижодий кеча ўтказилди.

Кечада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзолари, таниқли навоийшунос олимлар, эл суйган санъаткорлар, институтнинг профессор–ўқитувчилари ва талабалар иштирок этишди.

НАВОИЙНИ ЭСЛАБ

Тадбирни институт ректори Равшан Абдуллаев очиб берди.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Алибек Рустамов ўзбек миллий маданиятига, шунингдек, умумжаҳон маданияти ривожига ҳисса қўшган буюк аллома Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, халқпарварлик йўлидаги ишлари ҳақида гапирди.

Шундан сўнг ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

— Миллий тикланиш, миллат равнақи Алишер Навоийнинг доимий орзуси бўлган десак, ҳеч муболаға бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, бугунги навоийхонлик партиямиз ғоялари билан ҳамоҳангдир. Навоий тилларимизни, дилларимизни бирлаштириб турувчи буюк даҳо.

Бугунги ижодий кечанинг яна бир муҳим жиҳати Алишер Навоий сиймосини, асарлари мазмунини, ҳақиқий қиёфасини халқимизга етказишда, ҳаётга татбиқ этишда ўз ҳиссаларини қўшган Алибек Рустамов, Суюма Ғаниева сингари замондош олимларимизни ёш авлодга яқинроқ таништириш, уларнинг қадр-қимматини жойига қўйишдир.

Шу маънода, турли даврларда ҳазрат Алишер Навоий сиймосини илм-фан ва санъат соҳасида яратишга ўз ҳиссаларини қўшган юртдошларимизни эъзозлаш, бебаҳо адабий меросимизни унутмаслик, ўзбек миллий маданияти аҳамиятини келажак авлодларнинг дилига чуқурроқ сингдириш ва бу орқали ёшларнинг миллий қадриятларимизга бўлган эътиборини ошириш, уларни аждодларимизнинг ибратли амаллари руҳида тарбиялаш "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бугунги кундаги дастурий вазифасидир.

Навоийшунос олима Суюма Ғаниева ғазал мулкининг султони, халқпарвар давлат арбоби Алишер Навоий қалбида меҳр-мурувват туйғулари ҳамиша жўш уриб тургани, шунинг учун ҳам бу инсон ҳар доим одиллик билан иш юритгани ҳақида гапирди. Олима Навоий шахсиятига зеб бериб турган хислатлардан ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар ўрнак олса арзигулик экани, шунингдек, шоир орзу қилганидек комил инсон бўлиш йўлидан бориш одамни идеал инсон даражасига олиб чиқишини айтди.

Навоийшунос олим, филология фанлари доктори Алимулла Ҳабибуллаев ҳам Навоийнинг ўзбек адабий тили асосчиларидан бўлиб, бу тилнинг ўша даврнинг олиму фузалолари назари билан қараганда оддий ва содда эмас, жуда жилвакор бир тил эканини исботлаб берганини эсга олди.

Тадбир давомида навоийшунос олим, филология фанлари доктори Қозоқбой Маҳмудов ҳам сўзга чиқиб, Навоийнинг ўзбек адабиётига олиб кирган бетакрор ғоялари асрлар оша яшаб келаётганига уларнинг ҳақиқат назари билан ифода этилгани сабаб бўлишини мисоллар билан кўрсатиб берди.

Адабий кеча институт талабалари ва санъаткорларнинг чиқишлари билан янада файзли ўтди.

Тадбир сўнгида партиянинг шаҳар кенгаши томонидан заҳматкаш навоийшунос олимларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз



Ўзбек миллий либоси деганда, турфа рангдаги атлас кўз олдимизга келади. Марғилон атласлари ўзбек қизларининг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшади. Қизларнинг эгнида атлас либослар янада ўзгача жилоланади.

Бу ғазламанинг чиройига яраша машаққатли меҳнати ҳам борки, буни атлас тўқувчи усталар яхши билишади. Лекин фақатгина меҳнатнинг ўзи кифоя қилмайди, бу ғазламага меҳр, қалб қўрини ҳам қўшиб тўқиш керакдек гўё.

Шундай уста атлас тўқувчилардан бири марғилонлик ҳунарманд Турғунбой ака Мирзааҳмедовдир. Турғунбой ака «Ташаббус-2005» кўрик-танловида ҳунармандчилик соҳаси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Шу билан бирга абрли ипак ғазламаларнинг янги дизайнларини яратиб, ўз маҳсулотлари билан чет эл фестивалларида ҳам фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

— Бу ҳунар билан шуғулланган боболаримизнинг саккизинчи авлодиман. Бугунги кунда фарзандларим ҳам бу ҳунарни давом эттиришмоқда, — дейди Т.Мирзааҳмедов.

Суратда: уста–ҳунарманд Турғунбой Мирзааҳмедов.

Тоҳиржон Ҳамроқулов олган сурат.

Маблағлардан мақсадли фойдаланилди

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг 2005 йилдаги молиявий ҳисоботи кўриб чиқилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Х.Мирзажонова ҳисобот берди.

Партиянинг 2005 йилда тасдиқланган бюджети бўйича давлат бюджетидан ажратилган маблағ 158 миллион 721 минг сўм, бюджетдан ташқари тушумлар 1миллион 228 минг 600 сўмни ташкил этди. Маблағларнинг асосий қисми Марказий кенгаш аппаратини, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашларининг фаолиятини ташкил этишга, ходимларнинг маошига, тарғибот-ташвиқот тадбирларига, семинар-кенгашлар, учрашувлар ҳамда «Миллий тикланиш» газетаси таҳририятининг молиявий қўллаб-қувватлаш учун сарфланди.

Партия Марказий ва маҳаллий кенгашлари тасдиқланган режа доирасида фаолият кўрсатиб, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланди.

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асосида партиянинг молиялаштирилиши 160 нафар туман, 56 нафар вилоят, 9 нафар Марказий кенгаш ходимларининг фаолиятини янада жонлантиришга асос бўлди. Партия аъзолари сафи кенгайиб, уларнинг сони бугунги кунда 68 минг нафардан ортиб кетди. Партия етакчилари ташаббуслари билан жойларда учрашувлар, мулоқотлар тез-тез ўтказиб турилаётгани, партиямизнинг халқ орасига кириб бораётганидан далолатдир.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Марказий кенгаш матбуот хизмати

Халқимизнинг бой ўтмиш меросини, ўлмас анъаналарини, ақл дурдоналарини ўзида жамлаб келаётган, ҳозирги ва келгуси авлодларга мукаммал сабоқ беришга муносиб маданият ўчоқларига муносабат бугун қай аҳволда?

Маданият ўчоқларининг БАҲОСИ ҚАНЧА?

Гувоҳи бўлиб турганимиздек, мустақиллик ерни ўз ҳақиқий эгаларига топширмоқда. Фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйди. Аввал пахтачилик, ғаллачилик, энди эса мева, узумчилик хўжаликлари ҳам тўлиқ фермерлар ихтиёрига берилмоқда. Эътибор қилайлик, хўжаликларнинг номланишлари («ширкат», «кооператив», «пайчилик», «агрофирма» сингари) турлича бўлган пайтларда ҳам бошқарув мавжуд эди. Умумий даромад ҳисобидан хўжаликда маданият, маданий оқартув, спорт ишларини молиялаштириш шароити сақланиб қолганди. Энди эса тўлиқ фермерлашган хўжаликларда бундай имконият йўқ.

Самарқанд вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Фармон Розиқов ҳақиқий аҳволни, аҳолининг фикр-мулоҳазаларини ўрганишимиз, мутахассислар билан мулоқотлар олиб боришимиз учун Пастдарғом туманини маъқул кўрди. Сабаби, туманнинг кўплаб қишлоқлари марказдан узоқда жойлашган. Айниқса, Гўзалкент ҳудуди аҳолиси ярим чўл, қир–адир, тоғ ён бағирларида истиқомат қилади. Қолаверса, туман Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари, Молия ва Меҳнат Вазирликларининг 1994 йил 1 июнда чиқарилган «Туман ва қишлоқ маданият марказларини ташкил этиш тўғрисида»ги Низомига асосан мамлакатда ягона тажриба-синов майдонига айлантирилган. Яна бир сабаб, туманда айни маҳалда 14 та хўжалик тугатилиб, улар ўрнида 363 та фермер хўжалиги ташкил этилмоқда.

Туманда 1996 йилга қадар 20 та қишлоқ маданият уйлари мавжуд эди. Ҳокимнинг 1996 йил 6 февралда чиқарган Фармойиши билан «Сарибош», «Ҳамзаобод», «Тор–ариқ», «Пўлатчи», «Санчиқул», «Чархин» фуқаролар йиғинлари қошида қишлоқ маданият марказлари ташкил этилди. Қишлоқ маданият уйлари ана шу марказларда бирлаштирилди. Бундан англаш мумкинки, тугаб келаётган хўжаликлар зиммасида бўлган масъулият, яъни маданият марказлари фаолиятини назорат қилиш қишлоқ фуқаролар йиғинига юклатилди. Хўш, бу маданиятчиларга нималар берди?

— Илгари маданият уйлари тарқоқ эди, — дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Рустам Ниёзов. — Ҳар бирида директор, бадиий раҳбар ҳамда ярим маошда фаррош бўларди. Энди эса ҳар бир марказда 8 тадан иш ўрни мавжуд. 7–8 тадан тўгараклар ишлаб турибди. Бизни ҳануз қийнаб келаётган муаммо эса, қишлоқ маданият марказлари жойлашган биноларнинг ўзгалар тасарруфида эканлигидир. Марказ ходимларига маошни биз берамиз, фаолиятини фуқаролар йиғини раислари назорат қилади, жойлашган клублар эса хўжаликлар балансида турибди. Чўпон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлади, деганларидек ходимларнинг ҳафсаласи яхши эмас, ўртада клублар тобора нураб бормоқда. Нима бўлса ҳам, тугатилаётган хўжаликлар клубларини сақлаб қолишимиз керак. Бунинг бирдан бир йўли клубларни маданият ва спорт ишлари бўлими ихтиёрига ўтказишдир. Тугатилаётган «Зарафшон» хўжалигидаги 500 ўринли типовой клубнинг хусусийлаштириб олинганидан, Амир Темур хўжалигидаги 500 ўринли типовой клубнинг сотилиб, ўрни–туби билан йўқ бўлиб кетганидан сабоқ чиқариб олишимиз зарур. «Чимбойобод» хўжалиги энди тугатилмоқда, бироқ унинг клуби сотилиб, аллақачонлар бузиб олиб кетилган. Навбат — ёзги клубга келган. «Хончарвоқ» хўжалигидаги ёзги клубга ҳам ҳеч ким кира олмайди, сабаби — сотиб юборилган!

(Давоми 2-бетда)

● *Эл саломатлиги йўлида*

СОҒЛОМ ФАРЗАНДЛАР ТУҒИЛСИН

Юртнинг ёруғ истиқболи, оиланинг келажаги, мустаҳкамлиги соғлом, солиҳ фарзандлар билан боғлиқ.

Аёл зоти ҳомиладорлигини ҳис қилган чоғиданоқ унга меҳр қўяди, авайлаб-асрайди, ҳар қандай азоблларга бардош беради. Бу азоблар фарзанди туғилгач, роҳатга айланишига умид қилиб яшайди. Бироқ фарзанд соғлом туғилмаса–чи?! Бунга ким айбдор?

Қариндош–уруғчилик асосидаги никоҳ, ҳомиладорлик даврида билиб–билмай турли дори–дармонлардан фойдаланиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, ҳар хил юқумли касалликлар (вирусли грипп, гепатит, буқоқ, қандли гепатит) билан касалланиш ҳомиладорликнинг асорат билан тугашига олиб келиши мумкин.

Аёлларнинг наркотик моддаларни истеъмол қилиши, енгил–елпи ҳаёт кечиришлари ҳам фарзандларнинг майиб–мажруҳ туғилишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатга фақат аёлгина эмас, балки шундай тарзда ҳаёт кечирган эркаклар ҳам сабабчи.

Бундан ташқари, қариндош–уруғчилик асосидаги никоҳлар ҳам ногирон фарзандлар туғилишига сабаб бўлади. Халқ орасида «Биз ҳам қариндош эдик, фарзандларимиз соппасоғ», каби гаплар юради. Шундай бўлгани қандай соз, лекин насл дарахтининг шохларидан бирида нуқсонли мева пайдо бўлишини инкор эта олмаймиз.

Сирдарё вилоятида 2000 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган «Скрининг маркази»нинг мақсади ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Онабола скрининг» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш асосида, наслдан наслга ўтувчи касалликлар билан туғилган болаларга имкон борича эртароқ тиббий генетик ёрдам кўрсатиш, ногирон болалар туғилишининг олдини олишдан иборатдир.

Шу мақсадда ўтган 2005 йилда ҳомиладор аёлларнинг 2224 таси ультратовуш текширувидан ўтказилди. 414 аёлда ҳомиланинг туғма нуқсонли ҳамда ривожланмай қолганлиги ҳолатлари аниқланиб, ўз вақтида тиббий кўргазма асосида ҳомиланинг ўсиши тўхтатилди. 145 аёл Республика «Скрининг маркази»га текшириш учун юборилиб, 9 тасида ҳомила ногиронлиги аниқланди.

Вилоят «Скрининг маркази» томонидан юқорида келтирилган ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларга турли маслаҳатлар, тавсиялар мунтазам бериб борилмоқда.

Комил фарзанд орзусида яшаётган ҳар бир ота–она шифокор тавсияларига амал қилсалар, ногирон фарзандлар туғилиши ҳолатлари камайган, фарзандлар ота–она хатоси қурбони бўлмаган, ҳам ота–онанинг, ҳам фарзанднинг ҳаёти азоб–уқубатга айланмаган бўлар эди.

Маъмура ТОШМАТОВА,
Сирдарё вилояти туғруқхонаси бош врачи,
ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши аъзоси

Газета нашр кўрсаткичи — 158.

Миллий тиклаиш — миллий ғоя асосчиси
MILLIY TIKLANISH
Ўзбекистон «Миллий тиклаиш» демократик партиясининг ушбу сонини ўқиб, кўнгилсиз ҳолатлар ...

Маданият ўчоқларининг БАҲОСИ ҚАНЧА?

— Қирқ йилдан ошдики, шу соҳада ишлайман, — дейди «Тор-ариқ» қишлоқ маданият маркази раҳбари Акрам ака Алламуродов. — Бироқ маданият масканларини бугунгидек таланганини эслай олмайман. Аввал йирик хўжаликлар 2-3 та майда хўжаликларга бўлинди. Клубдаги жиҳозлар, ҳатто ўтиргичларгача 2-3 га тақсимлаб, олиб кетишди. Ҳозир биз эгалик қилиб турган Салим Маллаев номидаги хўжалик клубидаги нарсаларгина сақланиб турибди, олиб кетилганлари йўқ бўлиб кетди. Ҳатто, сотилган ёзги клуб кўз олдимизда бузиб олинди. Ахир бу халқ мулки эди-ку!

Бобур номли хўжалик биносида жойлашган қишлоқ маданият маркази қошида фаолият юритаётган халқ фолклор ансамбли аъзолари, саксон ёш билан юзлашиб турган Эсон момо Раҳматова, Болбувиш момо Ҳасановалар қишлоқ маданият ўчоқларига эътибор зарурлигини айтишади. Азим шаҳарларга бориб театр, кино кўра олмасак, уларнинг биз томонларга қадами етмаса, нима қилайлик? Момоларимиз айтган термаларни, ҳазил қўшиқларни набиралармизга ўргатиб келяпмиз. Ўзимизнинг беминнат биномиз бўлмаганлиги баъзида елкамизни қисиб қўяди».

Хусусийлаштириш баҳонасида фақат ўзини ўйловчилар ҳам топилди. Улар шахсий бойлик орттириш илинжида қинғир йўллар билан халқ мулкига кўз олайтиришди. Бўлиниш пайтида ҳам, бирлашиш маҳалида ҳам от суриб қолдилар. Пастдарғом ва Гўзалкент туманлари бирлашувидан асосий мақсад иқтисодий барқарорликка эришиш, халқ турмуш маданиятини юксалтиришдан иборат эди. Бироқ ана шу эзгуликлар соясида Гўзалкентдаги истироҳат боғи батамом йўқ бўлиб кетди.

Истиқлол истироҳат боғларига янгича мазмун бахш этди. Меҳнат қилишни ўрнига қўйган кишилар мазмунли дам олсин, ҳордиқ чиқарсин, деган мақсад рўёбга чиқа бошлади. Бу масалага муҳтарам Президентимизнинг ўзлари раҳнамолик қилмоқда. Самарқанд шаҳридаги боғларнинг бугунги қиёфаси бунга яққол мисол бўла олади. Инсон қадрига, унинг ҳордиқ чиқаришига давлат аҳамиятидаги масала сифатида қаралаётган бир пайтда Гўзалкент истироҳат боғининг ғойиб бўлиб қолишини оқлаб бўлармикин?!

Қишлоқ маданият ўчоқлари фаолиятида кутубхона иши асосий йўналишлардан ҳисобланади. Унда аҳолининг катта қисмини жалб этиш имкониятлари ҳам мавжуд. Туман марказлашган кутубхоналар тизимида 1 та шаҳар, 2 та марказий, 3 та болалар, 69 та қишлоқ, 1 та махсус кўзи ожизлар кутубхонаси мавжуд бўлиб, китоб фонди 490 минг дона атрофида. Ўтган йили вилоят ҳокимлигидан маданият бўлимига тегишли кутубхоналар фонди мактабларга берилади, деган буйруқ бўлиб қолди. Барча китоблар рўйхат қилинди, мактабларда қабул қилиб олиш учун ҳозирлик кўрилди, штатлар масаласи муҳокама этилди. Маданият бўлимига қарашли кутубхоналарнинг ёпилиши, кенг халқ оммасининг бебаҳо маънавий неъматидан бебаҳра қолиши оғир йўқотиш бўлур эди. Яхши ҳамки, узоқ фикрлашувлардан сўнг ҳаммаси аввалгича қолдирилди.

Хуллас, 2005 йилда 1 миллион 221 минг сўмлик китоб харид қилинган. Бу янги китоб олишга мўлжалланган йиллик фонднинг 1 фоизи (!) ни ташкил этади, деганидир. Ёки бошқача айтганимизда, йил давомида 11минг 159 дона китоб ҳисобдан чиқарилгани ҳолда 1755 дона китоб харид қилинган, холос. Улар орасида санъат ва спортга оид китобларнинг 5 дона, бадиий китобларнинг эса 400 дона экани ачинарли ҳолдир.

Қишлоқ кутубхоналари иши эътиборга муҳтож. Энг аввало, уларнинг фаолиятини соддалаштириш зарур. Режада белгиланган, ҳисоботларга тиркалаётган тадбирлар шунчалик кўпки, уларни тўлиқ бажаришнинг имкони бўлмайди. Бу эса ўз навбатида қоғозбозликларни келтириб чиқаради. Қоғозга зўр берилган жойда асл ишга путур етади.

Китоб, китобхонлик бизга боболаримиздан мерос. Айниқса, тўйларда, қиш мавсумларида достонхонлик қилишлар, яхши китобларни қайта-қайта ўқиб, баҳслашишлар, гапнинг очиғи бугун соғинчга айланиб қолди. Пастдарғом тумани мисолидаги рақамлар шундан огоҳ этмаяптими? Келинг, ҳаммамиз эътибор қаратишимиз, ҳомийлик қилишимиз зарур бўлган кўзи ожизлар кутубхонаси билан яқинроқ танишайлик. Кўзи ожизлар ўқув ишлаб чиқариш корхонаси ишчи-ходимларидан, маҳалладошлардан 584 нафари ушбу кутубхона аъзоси ҳисобланади. Китоб фонди 6110 дона. Шундан 2520 донаси рельф нуқтали, 1541 донаси гапирувчи китоблардир. Кутубхонада ўзига яраша муаммолар мавжуд. Масалан, кейинги йилларда рельф нуқтали китоблар, маданий, хўжалик моллари умуман олинмаган. Бино таъмирталаб.

Бундай камчиликлар бошқа кутубхоналарга ҳам тааллуқли. 76 кутубхонанинг 69 таси мослаштирилган биноларда жойлаштирилган бўлиб, бинолар ўзгалар тасарруфида турибди. 9 та кутубхона таъмирталаб, 1 таси эса авария ҳолатида.

— «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан 22 та кутубхонага ёрдам уюштиришни режалаштириб олдик, — дейди туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Нозим Алиев. — Шунга кўра таъмирлаш, жиҳозлаш, янги китоблар харид қилиш, Гўзалкент қўрғонида янги кутубхона қуриш ишлари амалга оширилади. Биз бундан маданият ўчоқлари жойлашган бирорта ҳам бинони бегона қилмоқчи эмасмиз. Кечаги кун йўқотишлари биз учун сабоқ бўлиб қолади.

Китобга муносабатнинг сустлашуви, алал-оқибат салбий ҳолатларнинг илдиз отишига олиб келади. Туманда 280 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 80 минг нафарга яқини мактаб ўқувчилари, коллеж талабалари бўлишса-ю, ёшларга мўлжалланган адабиётлар сони 5 минг донага, лотин алифбосидаги китоблар 500 донага етмаса, бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин? Ҳа, болаларимизнинг видеобарларга, компьютер ўйинларига ёпишиб қолишини, ичиш, чекишга берилиши ил-дизларини ўзимиздаги ана шу заифликлардан излашимиз керакка ўхшайди.

Ўзбекистон Темир йўллари Давлат акционерлик Темир йўл компанияси Бухоро Минтақавий Темир йўл узелига қарашли «Мароқанд» бекати кутубхонасида ачинарли ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Кутубхона собиқ шўролар даврида қандай ғоядаги китоблар билан тўлдирилган бўлса, ҳозир ҳам худди ана шу ҳолда «хизмат» кўрсатмоқда. Кутубхонадаги ўқувчи қизлар титкилаётган китобни сўраб олдик. В.А.Сапрыкиннинг (Москва, Издательство политической литературы, 1983) «Социалистический коллектив и атеистическое воспитание» деб номланган китоби экан. Бундай китоблар бугунги маънавиятимизга, мустақиллик мафкурасига ёт ғояларни тарғиб қилаётганлиги кундай равшан. Ушбу кутубхонадаги юзлаб китоблар ёшларимиз эътиқодига салбий таъсир кўрсатишини айтганимизда, бекат бошлиғининг ўринбосари кутубхона ишини қайта кўриб чиқишга сўз бериб қолди.

Хуллас, қишлоқ кутубхоналари иши эътиборга муҳтож. Энг аввало, уларнинг фаолиятини соддалаштириш зарур. Режада белгиланган, ҳисоботларга тиркалаётган тадбирлар шунчалик кўпки, уларни тўлиқ бажаришнинг имкони бўлмайди. Бу эса ўз навбатида қоғозбозликларни келтириб чиқаради. Қоғозга зўр берилган жойда асл ишга путур етади.

Маданият ва спорт ишларининг уйғунлаштирилганини ижобий баҳолаш зарур. Сабаби, спорт ўзига хос санъат, таржимонсиз ўқиладиган китоб, жисмоний маданиятдир.

Тугатилаётган хўжаликлардаги спорт инструкторлари штати, табиийки, барҳам топмоқда. Ўйингоҳлар ўша ҳудуддаги мактаблар ихтиёрига берилмоқда. Спорт мактаблари халқ таълими бўлимлари ихтиёрида, — дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Р.Ниёзов. — Шу ўринда бир нарсани очиқ айтишимиз керак-ки, ҳар бир касб эгаси кимдан маош олса, ўшанинг айтганини бажаради. Бу нотўғри эмас, албатта. Биз спорт мактабларини, командаларни молиявий томондан қўллай олмасак, қандай қилиб уларга топшириқ беришимиз мумкин? Қандай важ билан улардан иш талаб қиламиз?

Мудирнинг гапида жон бор. Ўтган йили туман халқ таълими бўлимининг жисмоний маданият ва спорт ишлари бўйича услубчиси Рифқат Насибулин билан суҳбатлашганимизда аҳволнинг ғоятда жиддий эканлигига аён бўлган эди. «Мавжуд 118 та илмгоҳнинг 29 тасигина замонавий типда. Мактабларнинг спорт анжомлари билан таъминланиши 30 фоизни ташкил этади. 31 та мактабда гимнастика машқларини ўтказиш имкони мавжуд, холос. Гимнастика якка чўпи туман бўйича 17 та, гимнастика оти 31 та, дастакли от 10 та, гимнастика девори 29 та, тепсиниш кўприги эса 21 тани ташкил этади. Кураш учун махсус гиламлар йўқ. 1881 дона баскетбол, 1825 дона қўл тўпи керак бўлгани ҳолда, ҳар биридан 100-150 донадан мавжуд. 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 550 дан ортиқ йигит-қиз турли тўгаракларга жалб этилган. Кейинги ўн йил давомида ҳеч вақо олинган эмас. Болалар қўлбола гиламларда кураш тушишмоқда. Ёшларимизнинг сабр-бардошига, иродасига балли. Шу шароитда ҳам Наргиза Эшматова самбо бўйича Осиё чемпиони бўлди. Севара Давронова, Феруза Норуллаева, Ирода Раббимовалар республика чемпионлари бўлишди. Болалар ва ўсмирлар футбол мактабидаги шароит, имкониятлар ҳам ҳаминқадар. Бу мактаб учун керакли жиҳозлар умуман олинмаган», — деган эди ўшанда Рифқат Насибулин. Қизиқиб кўрсак, орадан ўтган бир йил давомида деярли ҳеч нарса ўзгармабди. Бу туришда болалар спортини ривожлантириш қоғозлардагина қолиб кетмайдими?

Очиқ гап, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими фаолияти ҳалигача сезилган эмас. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими эса командаларга зарур бўлиб қолганда машина топиб беришдан, соҳага оид йиғилишларда қатнашишдан нарига ўтишолмаган. Ўтишнинг имкони ҳам йўқ. Чўнтак қуруқ, раҳбарлик номланишдагина бўлгач, осмон — йироқ, ер — қаттиқ бўларкан.

Хуллас, қишлоқлардаги маданият ўчоқлари, яъни бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ўтиш даври бўҳронлари гирдобида айланмоқда. Улар билан боғлиқ муаммолар республика миқёсида кўрилмаса, маънавиятимиз кўп нарсаларни бой бериб қўйиши ҳеч гап эмас.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» махсус мухбири

Хивадаги машҳур Ичанқалъа минораси.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат-лавҳа.

КАМ БЎЛМАНГ, ОМОН МУАЛЛИМ!

Бухоро туманининг Галаосиё шаҳри ҳудудидаги Галаосиё кўчасида бир маърифатпарвар инсон яшайди. Омон ака Зариповнинг касби ўқитувчилик. Аслида инглиз тили муаллими бўлган Омон ака китобга ташна қалб эгаси. Эҳ-е, унинг хонадонига кимлар келиб, кимлар кетмаган! Китобга ташналиги туфайли у қаерларда бўлмади, кимлар билан учрашмади дейсиз. Бу хонадоннинг китоб жавонида ноёб асарлар кўп. Чингиз Айтматов, Уйғун, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповларнинг китоблари муаллиф дастхати билан олинганлиги учун янада қадрлидир. Жонли таҳлилий мулоқотлардан, жарангдор шеърий лаҳзалардан лаззатланадиган бу инсоннинг ўқувчилик йиллари ҳам китобга ташналик билан ўтган. Омон ака болалигини эртаклар оламида яшаш билан ўтказган бўлса, кейинчалик қўлига тушган китобни бош кўтармай ўқишни одат қилди. Туман, вилоят газеталарига кичик-кичик хабарчалар ёзиб турди. Почта орқали келган бир-икки сўмлик қалам ҳақига ҳам китоб оларди. Мана, эллик йилдирки, Омон муаллим китоб йиғади. У ўқимаган китоб кам қолган. Жаҳон адабиёти дурдоналари, мумтоз адабиёт намуналари, қардош халқлар адабиётининг нодир жавоҳирлари Омон аканинг қалб призмасидан ўтган, десам, ишонаверинг. Ана, шахсий кутубхонанинг эшиги очиқ турибди, истасангиз, сизни ўзга бир дунёга олиб борадиган олам бу! Улуғлар билан суҳбат қураман, десангиз, юрагингизни покиза тутинг-да, остона ҳатланг. Солиҳ суҳбат бир пиёла чой устида янада мароқли ўтади.

Ичкарига кирар экансиз, шахсий кутубхона меҳмонларининг қайд дафтарига ҳам бир қур назар ташланг. Чамамда, сиз мингинчи мухлиссиз. Бемалол кираверинг. Тўрдаги суратга қаранг. Атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов сизга ўйчан нигоҳларини қадаб турибди. Ёнидаги кўзойнакли йигит Омон Зарипов бўлади. Омон ака Бишкек шаҳрида Чингиз Айтматов билан бўлган учрашувда ёзувчининг асарларидаги мотивлар ҳақида гапириб, оқсоқол адибнинг назарига тушган, мушоҳадаси кенг ўзбек китобхонидир. Ўшанда адиб Омон ака билан эсдаликка суратга тушган.

Аллома адиб, файласуф шоир Асқад Мухтор билан бўлган мулоқотлар ҳам Омон аканинг сира ёдидан чиқмайди. Асқад ака зукко китобхонини кўп яхши сўзлар билан сийлаган. «Эҳ, Омонбой, кошкийди ҳамма китобхонлар ҳам сиздай заковатли бўлса!» — деган сўзларидан қаҳрамонимиз бир қарич ўсиб юрган кезлари бўлган.

— Асқад Мухторнинг ҳамма асарларини нашриёт тафти кўтарилмасдан ўқиганман, — деди Омон ака, — аммо кейинги нашр «Тундаликлар» мени зилдек қилиб қўйди. Мағизли китобнинг ҳам ўзига хос юки бўлар экан. У «Орифнома», «Амир Темур ўгитлари» сингари китоблар қаторида туради, десам муболаға бўлмас.

Саксонинчи йилларнинг бошларида Омон Зарипов янги ҳовлига кўчди. Отаси Жўра бобо дарвозахона олдидаги уйни меҳмонхона учун ажратди. Омон ака эса бу хонани китобхонларига мос хона деб билди. Кўчишдан олдин уста чақириб, тўрт деворнинг шифтигача етадиган китоб жавонлари ясаттирди. Ўн мингга яқин китоб тиғизроқ қилиб бўлса-да, шу катта хонага жойлаштирилди.

— Ҳовлига энг олдин китоб кирса маърифатли ҳовли бўлади-да, — деди Омон ака отасининг дилини овлаб.

Жўра бобо ўғлининг раъйини қайтармади.

— Сени илминг боқади, мен бунга ишонаман, — деб далда бўлди.

Отанинг дуосидек азиз неъмат йўқ. Омон аканинг бу томондан ҳам қўнинқўнжи тўла.

Омон Зарипов муаллимлик фаолиятини 1963 йилда бошлаган. Эҳ, Тошкент ҳавоси билан уйга қайтган навқиронлик паллалари ёдидан чиқармиди! Беш йил орасида қатнашилган адабий гурунглар, шеърият кечалари, янги асарлар муҳокамаси, ёзувчилар, шоирлар билан бўлган тонготар мулоқотлар Омон аканинг оёғини чаққон, тилини бийрон қилиб Бухорога кузатган экан. Ёш муаллимнинг насибаси бутун чиқди. У кўп ўтмай Бухоро туман халқ таълими бўлимига ишга чақирилди. Роппа-роса 21 йил услубшунос бўлиб ишлади. Шу йиллар ичида Омон ака туман мактабларини зийнатлаганлардан бири бўлди, десак хато бўлмайди.

1993 йили Галаосиёда Омон аканинг ташаббуси билан иқтидорли болалар мактаб-интернати иш бошлади. Изланувчан, билимдон сардор бу жойда 2002 йилгача фаолият кўрсатиб, нафақага чиқди. Кузатув тантанасидаги иззат-икромга барча ҳавас қилди шу куни. Севинч кўз ёшлари кўзойнак қаншарининг тўсиғини ҳам сизиб ўтди.

Омон Жўраевич нафақага чиққан бўлса-да, қалби ҳувуллаб қолмади. Ҳовлининг бир бурчагида ўзи учун мутолаа хонаси қурди. Узоқ йиллик сурат ва альбомларга тартиб берди. Чордоққа чиқариб қўйилган «Шарқ юлдузи», «Фан ва турмуш», «Гулистон», «Ёшлик», «Саодат» журналлари тахламларининг барини пастга олиб тушди. Мутолаа хонасидан уларга алоҳида-алоҳида жой ажратди. Бу хона ҳам Омон Мухтор, Сайёр, Тўлқин, Тошпўлат Аҳмад, Самандар Воҳид, Садриддин Салим Бухорий, Абдулла Шер каби шоир ва ёзувчиларнинг дасхатли китоблари билан тўлди. Дастхатлар орасида Рудакий мукофоти соҳиби, тожик элининг талантли шоири Лоиқ Шералининг дастхатига тикилиб қолдим. Омон ака мени кузатиб турган экан, изоҳга ўтди:

— Шоир Самандар Воҳид бошлаб келувдилар, — дея шарҳлай кетди у. Самандар ака Лоиқнинг ўтлиғ шеърларидан намуналарни ўзбекчага таржима қилиб, Тошкентда чоп эттирган эканлар. Китобнинг номи ҳам ўзига ярашиқлиғ: «Муҳаббатим». Лоиқ билан бемалол тожикча гаплашдик. Бирам шиддатли шоир экан-ей, қойил қолдим.

«Самандар зўр!» — деди Лоиқ тан олиб. Менга эса «Муҳаббатим»га ҳар иккала шоир ҳам дастхат битиб беришди.

Китоб жавонимда ўзи билан учрашмасам ҳам дастхати битилган ҳассос бир шоирнинг китоби бор. У раҳматли Хайриддин Салоҳнинг қаламига мансуб. Тошкентда ўқиб юрган кезларим эди ўшанда. Газета харид қилиш учун киоскага бош суқсам, сотувчи аёл бир чиройли китобни варақлаб ўтирибди. Бир лаҳзага сўраб олиб, ҳайрат билан кўз югуртирдим. Китобга аёл кишининг номига дастхат битиб берилган экан. «Шу китобни эртагача бериб туролмайсизми?» — десам, опахон: «Сотиб олақолинг», — деди. Дарҳол пулини тўлаб, китобни бағримга босганча йўлимга равона бўлдим. Дастхат менинг номимга ёзилмаган бўлса-да, Ҳайриддин Салоҳдек улкан шоирнинг дастхатли китобини асрабавайлаб юрганим кўнглимни тўлқинлантиради.

Омон акага зимдан термуламан. Хонага чўкиб кетаётгандек сезаман ўзимни. Улуғ фикрлар юки, аллома шахслар одоби, таниқли ижодкорлар салобати босиб келаётгандек туюлади.

— Бозор иқтисодиёти даврининг ўтиш паллаларида биз ҳам ўзимизча оилавий иш қилмоқчи бўлиб, чоғроқ савдо дўкони қурдик. Аввалига ўғилларда шашт бордек сездим. Айтсам, кулишингиз мумкин. Бир кун ҳам дўконни ишлата олмадик. Сизларнинг қонингизда йўқ-да, бундай уддабуронлик, дедим ўғилларимга.

2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши дилимни равшан қилиб юборди. Шартта 400-500та журнал-китобларни чиқариб, жавонга тердим-да, маҳалла кутубхонасини ташкил қилдим. Ҳозир маҳалланинг кексаю ёши, айниқса, мактаб ўқувчилари кутубхонадан баҳраманд бўлишмоқда. Бу ерга келганларнинг бўш вақтлари мароқли ўтади, ғийбат-жанжал йўқ, кутубхона эшиги кеча-ю кундуз очиқ. Муддао — одамларни китобдан баҳра олишга чорлаш. Тағин кўнглингизга келмасин, ҳеч кимдан бир тийин олинмайди. Китобга ошно қалб эгаси жаҳлдан йироқ, босиқ, ўйлаб гапирадиган бўлади. Ўзим ҳам китобдан тиниқ фикрлар оламан.

«Энг яхши китобхон оила» шиори остида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Маънавият ва маърифат» маркази ва бошқа бир қатор жамоат ташкилотлари ташаббуси билан ўтказиб келинаётган республика кўрик-танловида бир неча йилдирки Зариповлар оиласи Бухоро вилояти шаънини ҳимоя қилиб келмоқда.

Омон Зариповнинг элга нафи тегиб келаётганини вилоятда ҳамма билади. У ҳали бақувват, елиб-югуришдан чарчамайди. Билимли одам, ҳалол одам уйда ўтириб қолмас экан. Бир йил бўлди, Омон акани янги ишга таклиф қилишди. У ҳозир «Миллий тикланиш» демократик партияси Бухоро туман Кенгаши котиби вазифасида ишламоқда.

Омон аканинг тўрт томони шогирдга тўла. Устоз деган сўзни ҳар куни юз марта эшитади. Бундан ортиқ бахт йўқ, дейди у. Омон ака вақт топиб «Дастхатлар сўзлаганда» китобини ҳам нашрга тайёрлади. Бу инсон ҳақида Самандар Воҳид битган меҳрли дастхат билан сўзимизни якунлайлик:

Ҳаёт суронлари букмаса қаддинг,
Жонга жон улашса солиҳ суҳбатинг,
Зардан баланд бўлса қадру қимматинг,
Тушларда соғинса ёру улфатинг,
Хуш-хандон яшадим десанг ҳаққинг бор.

Дилмурод ЖАББОР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

(Боши 1-бетда)

Одамларга энг эзгу тилак — Хаста бўлмасин юрак!

Суратда: ***Чиноз шаҳар марказий поликлиникасининг малакали ЭКГ ҳамшираси Ирода Аббосова.***

Пўлат РАҲИМОВ олган сурат.

● *Луқма*

Йўл азоби

ёхуд орзу қилинган бекат

Ҳар куни ишга келаётиб автобусдан «Марказий зобитлар уйи» бекатида тушар эканман, беихтиёр ёдимга таниқли журналист, раҳматли устоз Шарофиддин Туроб келаверади. Домла ҳаётининг сўнгги кунларигача қадамини газеталар таҳририяти жойлашган матбуотчилар уйидан узмади. Гоҳида Шарофиддин ака билан мана шу бекатда учрашиб қолардик. Бир гал домла шу бекат одамни жуда овора қилади-да, Матбуотчилар кўчасигача қарийб бир чақиримча келади. Қани энди шу кўчага ҳам бир бекат қўйилса эди, деганди.

Кейинчалик бу ҳақда жиддийроқ ўйлай бошладим. Матбуотчилар уйида республикамизнинг кўпгина газеталарининг мингга яқин ходимлари ишлашади. Бундан ташқари, газеталарга ҳар куни қанчадан қанча одамлар келиб кетишади.

Иш юзасидан гоҳида уйга кеч қайтишга тўғри келади. Шундай чарчаган пайтларда бекатга етиб олиш жуда малол келади одамга. Айниқса, қиш кунларида, йўллар сирпанчиқ бўлиб қолган пайтда бекат билан ишхона орасида анча вақтимни йўқотаман.

Халқимизда йўл азоби — гўр азоби, деган нақл бор. Бекатлар одамларни овора қилиш учун эмас, балки уларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида қўйилади. Шу соҳа мутасаддилари одамларнинг талаб ва истакларини ўрганиб чиқсалар яхши бўларди.

М.РАҲМАТОВ

ТАФАККУР БЎСТОНИГА САЁҲАТ

«Чет элга, ўзга юртларга борганимда алоҳида ҳис-туйғулар билан биргаликда кўплаб янги фикрларни ҳам дилимдан ўтказдим. Булар, аввало, дунё мамлакатларида кўрган-эшитганларим, тассуротларим туртки бериши сабабли она Ватаним, унинг ўтмиши ва ҳозирги куни, тақдири, истиқболи тўғрисидаги фикрларим ва туйғулар эди.Бу сўзлар иқтисод фанлари доктори, профессор, Россия ТФА академиги, Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академияси Тошкент шаҳри Филиалининг ректори Қаландар Абдураҳмоновнинг шу йил январ ойида чоп этилган сафар эсдаликларида айтилган. Эсдаликларнинг дастлабки саҳифалариданоқ китобхоннинг кўз олдида ўз юртига, миллатига меҳр-муҳаббатли, она Ватанини эҳтирос билан севувчи, ўз халқининг тақдирини, равнақини ҳамиша ва ҳар ерда ўйлаб, амалда у ҳақда қайғуриб юрувчи ҳақиқий эл фарзанди гавдаланади.

Айтиш мумкинки, эсдаликлар бошдан охиригача Ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат туйғуси билан йўғрилган.

Миллий ғурур, она-юрт билан фахрланиш ҳисси ҳам китобнинг кўп жойларида ўзининг яққол ифодасини топган. Жумладан, сафар эсдалигида БМТ ҳақида гап кетганда бундай сатрларни ўқиймиз: «Ушбу ташкилотнинг биноси олдида 200 га яқин аъзо мамлакатнинг байроқлари ҳилпираб турибди. Улар орасида мустақил Ўзбекистонимиз байроғини кўриб, беихтиёр қалбимизда ажиб ғурур ва мамнуният туйғулари жўш урганини сездик. Дунё халқлари ичида тенг суверен давлатимиз байроғи гўё ҳаммасидан чиройли ва баландроқ ҳилпирамоқда эди».

Миллий тараққиёт мавзуси ҳам китобнинг бош мавзуларидан биридир.

Шу тариқа бутун эсдаликлар давомида шу мақсад, шу ният турли тафсилотларда, турли таърифларда ўзининг хилма-хил шакллардаги, лекин бир хил мазмундаги ифодасини топиб боради. Аслида чет элларга боришдан ҳам асосий мақсад —Ватан тараққиётига хизмат қилиш, бу вазифанинг муваффақиятига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш.

Эсдаликларда китобхоннинг алоҳида эътиборини тортадиган жиҳатлардан яна бири шуки, муаллиф учрашган, гаплашган, янги танишган суҳбатдошларига қисқача, ўткир чизгилар орқали ёркин тасвирий баҳолар беради. Кўрган ўлкаларига, уларнинг манзараларига ҳам мароқ билан тавсиф беради.

Сафарлар чоғида муаллифнинг кўрган-билганлари унга ҳамиша бир хилда, бир текис таъсир этавермаганлиги ҳам яққол кўринади. Баъзи чоғларда ҳайратланиш, завқланиш, ҳавас қилиш каби туйғулар ўрнини сергакланиш, ўйга толиш, ҳаттоки ранж чекиш ҳолатлари эгаллаган пайтлар ҳам бўлган. АҚШдаги бадавлат кишилар хусусида гап кетганида табиий равишда юзага чиққан мавзу бўлиб, муаллиф уни ёритишга ўзига хос йўл билан ёндашган. «У ерда миллионерлар, миллиардерлар кўплиги хусусида ўйлаганимда ҳам бир хил, бир текис, силлиқ фикрга келишим қийин бўлди. Тўғри, бизда ҳам миллионерлар, миллиардерлар пайдо бўлишини истайман. Аммо қандай йўл билан? Рокфеллерча йўсин биланми? Йўқ, менимча, ўзимизнинг алоҳида йўлимиз билан, ўзбек халқининг миллий хусусиятларига, миллий анъаналарига, миллий қадриятларига, маънавият, тарбия, ҳулқ-одоб, меҳр-мурувват тўғрисидаги ўз тушунчаларимизга монанд йўл билан эришилишини фикрлайман», — дейди муаллиф. Шукурлар бўлсинки, юртимиз аҳли шу йўлдан бормоқда.

Шу ўринда муаллиф яна бир огоҳликка чақиришни жоиз деб билган: «Халқим айтади: ҳар қандай гапга диққат билан қулоқ тут: керагини олиб қол, кераксизини ўтказиб юбор. Бир нарсани аниқ-равшан ва такроран бўлса-да, айтмоқчи бўламан: унутмайлик, бизнинг йўлимиз ўйламай-нетмай ўрганиш, ўйламай-нетмай қабул қилиш, тақлид қилиш йўли эмас, асло. Тўғри йўл — чамалаб кўриш, ўзимизникига ва ўзгаларникига, бошқа мамлакатларникига таққослаб баҳолаш, таҳлил қилиб, хулоса чиқариш, ўзимизга мослаб кўриш, шундан кейингина ўзимизга татбиқ этиш. Бу гап хоҳ иқтисодиётимизни, хоҳ ижтимоий-сиёсий соҳамизни тараққий эттиришимиз бўлсин, барчасига тааллуқлидир, биз айни шу йўлдан бораётганимиздан шодман».

Китобни ўқиганингиз сайин муаллифнинг фикр доираси кенглигига, унинг фикри ҳамиша жўш уриб туришига, мулоҳазалари теранлигига, қизиқиш соҳаларининг ниҳоятда хилма-хиллигига, унинг ҳар қандай воқеа-ҳодисага ўзига хос, алоҳида назар билан қарашига тан берасиз.

Муаллиф китобхон нигоҳида фақатгина бир миллат намояндаси, бир мамлакат вакилигина эмас, умумий маконимиз, ягона уйимиз бўлмиш сайёрамиз кишиси сифатида, инсониятнинг тинч, осойишта меҳнат ва фаровонлик оғушида бўлишини орзуният қилиб яшайдиган инсон сифатида намоён бўлади.

Ҳар қандай хорижий сафарлар ҳам, муаллифнинг фикрича, аввало, ана шундай орзуниятга хизмат қилиши керак.Ўз вакилларининг, намояндаларининг бордикелдилари орқали халқлар бениҳоя хилма-хил маънавий-иқтисодий, амалий тажрибалар каби сон-саноқсиз жиҳатлардан бир-бирларини бойитиб боришга интилишлари, бундан, аввало, ўз тараққиётлари йўлида манфаатдор бўлишлари, бир-бирларига қизиқишлари ниҳоятда табиий ҳолдир. Бунинг устига, биз турли жараёнларнинг глобаллашуви, мамлакатлар ривожланишнинг турли соҳаларида интеграциялашиши даврида яшамоқдамиз. Буни ҳам муаллиф ҳеч бир сафарида, ҳеч бир эсдалигида, ҳеч бир мушоҳада ва ўй-фикрида унутмаганини кўрамиз.

Сафарларга боришнинг катта ижтимоий, маънавий ва бошқа хил аҳамияти ҳақида гапира туриб, муаллиф кўпроқ ёшларга мурожаат қилиб, дил сўзларини баён қилади: «Айтмоқчи бўлганим шуки, азизларим, ҳаётининг авжи кучга тўлган палласида киши ўзга юртларга, яқин ва олис мамлакатларга сафарларга бориш орзусида саъй-ҳаракат қилса, ўзига хос машақатлари билан бўлсада, тенгсиз неъматга, яъни инсонни ҳамиша мафтун этган турфа оламнинг чексиз ва бетакрор қиёфаларига дуч келиб, ўз маънавий бойлигига бойлик қўшиш бахтига муяссар бўлади.

Бу – амалда тасдиғини топган ҳақиқат. Қолавереа, ҳар биримизнинг, шундай бахт насиб этган барчамизнинг ушбу саъй-ҳаракатимиз натижаси ўлароқ тобора кўпайиб борувчи ажойиб кўприклар барпо этилади.

Бу кўприкларни мен, юқорида ҳам айтганимдек, эллараро кўприклар деб номладим".

Ушбу эсдаликлар китобидан умумий таассурот шуки, уни мулоҳазаси чуқур, дунёга, ҳаётга, инсонларнинг ўзаро муносабатларига қарашлари қамрови кенг, кўрган-билганлари ҳақида чинакам фалсафий, катта аҳамиятдаги маънавий ва амалий хулосалар чиқара оладиган иқтисод эгаси ёзган. Ушбу сафар хотираларини ўқиб чиқишни маслаҳат бериш билан биргаликда, шу китобни мутолаа қилишни тафаккур оламига китобхоннинг қилажак саёҳатига қиёслагимиз келади, бу саёҳат, шак-шубҳасиз, ғоят мароқли ва фойдали бўлади.

Зокиржон Азимов,
журналист

• *«МТ»га хат*

МАКРМИ, Ё УҲАББАТ?
қиссасини ўқиб

«Миллий тикланиш»ни севиб ўқийдиган муштарийлар қаторида газетада бериб борилаётган "Макрми ё муҳаббат?" қиссасини ўқиб бораяпман. Асар қаҳрамонларининг ички кечинмалари, ўй-хаёллари, ҳаёти ҳар қандай газетхонни ҳам қизиқтириб қўядиган содда ва равон тилда ёзилган. Муаллиф Ҳабиб Темиров қаҳрамонларини шундай тасвирлайдики, гўёки улар ён-верингизда яшаб юрган одамлару фақат сиз пайқамаган, сиз кўрмаган хислати билан асар воқеаларининг иштирокчисига айланиб қолгандек. Айниқса, Меҳрига бўлаётган "сирли қўнғироқ" эгасининг кимлиги сизни қизиқтиради. Асарни ўқир эканман, бу асар қаҳрамонларининг прототипи ҳаётда ҳам бормикин, деган савол туғилди дилимда. Ўйлайманки, таҳририят жонкуярлари бу ҳақда ҳам ёзишади.

Таҳририятнинг муштарийларга билдирган таклифи дилимдан ўтган гапларни қоғозга туширишга журъат топишимга ёрдам берди. Мен ўзим гувоҳи бўлган қуйидаги воқеани ёзиш билан фақат самимий меҳргина муҳаббатнинг умрини белгилаб беришига ишондим ва уни *ЭНГ ЁРУҒ ТУЙҒУ* деб атадим.

ЭНГ ЁРУҒ ТУЙҒУ

Эсимда, бундан бир неча йил муқаддам сочларига оқ оралаган, юзларини ажин босган, ёши улуғ бўлса ҳам анчагина тетик бўлган онахон билан танишиб қолдим. Шу пайт ёнимиздан севишган ёшлар суҳбатлашиб ўтиб қолишди. Онахон уларга қараб, мийиғида кулиб қўйди. Негадир ҳамма кексалар: «Ҳозирги ёшлар бебош бўлиб кетган, улар ибо, ҳаё, андиша нима эканлигини унутиб қўйишган», — дейишса, суҳбатдошимнинг севишганларга ўзгача эътибор билан қараши, севги, муҳаббат ҳақидаги фикрлари мени ажаблантирди.

— Сиз ҳам севганмисиз? — кулимсираб савол бердим онахонга. Аввалига жавоб бермасалар керак, деб хижолат тортдим.

— Эй, қизим, муҳаббат деган машмашалар мени бошимдан ҳам ўтган. Ў, ўша пайтлар қандай эдим-а! Бай, бай, бай, жуда чиройли бўлганман, ҳа!

Онахоннинг ўзини ёш қизлардек тутиб сўзлашлари кулгимни қистаса-да, гап орасида маъюс тортиб, узоқ ҳаёллар гирдобига тушиб қолишлари мени чуқур ўйга толдирди.

— Ёшлик чоғимда уйимизга келиб турадиган баланд бўйли, қорачадан келган, келишгангина йигитга кўнгил қўйгандим. У деярли ҳар куни келиб турарди. Доим менга дўпписига ўрик солиб олиб келарди,– дея ёшлик йилларини эсга олди онахон. — У дадамнинг шогирди эди. Дадам билан кичкинагина ҳовлимизда дурадгорлик қилишарди. Бир куни Комил билан қўйларни боқиб келиш учун далага чиқдик. Ўша кун ҳеч эсимдан чиқмайди.

— Комил, нега менга кўп тикиласан? Нима, мен шунчалик...

— Йўқ, йўқ, сен жуда чиройлисан, биласанми, мен сенга қараб нимани ўйлаяпман?

— Нимани?

— Мен сенга бир уй қуриб бераман, унда сен орзу қилганингдек тахта зиналардан юқорига чиқилади. Баланд уйнинг деразасидан бутун бир қишлоқ кўриниб туради...

— Ростданми?

— Ҳа.

— Қўйсанг-чи, кечаги куни отамнинг олдида ҳатто хонтахтани ҳам ясай олмадинг-ку!

– Эй, Назира, сен билмайсан-да, мен ҳали шундай уй қурайки, уни кўрганида доим шу мунчоқ кўзларингнинг ҳаваси келиб турсин.

— Кўрамиз, сен ҳали қачон уй қурасану қачон менинг ҳавасим келар экан.

— Кўрасан, шу уйда иккаламиз яшаймиз!

— Нега экан?

— Чунки, мен сени жудаям яхши кўраман. Биласанми, агар бир кун кўрмасам, қўлим ишга бормайди. Доим сени ўйлайман, сени яхши кўраман, сен-чи?

— Ме-ен-ми? Мен... қўйларни уйга олиб борадиган пайт келди. Ҳадемай қуёш ботади, отам ҳам чақириб қоладилар.

— Назира, шошмасангчи, Назира!..

Шундай қилиб ўша куни кўнглимни очишга роса уялдим. Комил ҳам анча вақтгача жим бўлиб кетди.

Кейин... мени отам шаҳарга узатиб юбордилар. Ҳозир Комил қишлоғимиздаги энг баланд уйнинг эгаси...

Назира онанинг кўзларига қараб, муҳаббат орзулигича қолса ҳам инсон қалбини нурга тўлдириб турувчи олий неъмат – энг гўзал бахт эканлигига гувоҳ бўлдим. Бу туйғудан нафақат икки севишган қалб, балки бутун инсоният ҳам бахраманд бўлиши мумкинлигини тушунгандекман.

Маҳфуза ШОКИРОВА,
Марғилон шаҳри

• *Соғинч лавҳалари*

ҚОР ОСТИДА ҚОЛГАН ОРЗУЛАР

Қор тинимсиз ёғади. Кафтимни ёйиб қор учқунларини тутмоқчи бўламан. Улар аста кафтимга қўниб, томчи-томчи сувга айланади...

Ўша, ҳаётимдаги энг гўзал кунни эслатади менга бу қор. Ўша бахтли дамларни эслатаверади. Қорга тикилиб, ўйлайман... қорнинг ёғмоғи эзгуликнинг туғилмоғи, муҳаббат ва орзуларнинг дунёга келмоғидир балки, деб ўйлайвераман яна. Қор эса ёғаверади... У армонли орзу-умидларимни ёдга солаверади.

Ҳамма нарса ўткинчи, худди кафтимда эриётган қор учқунларидек омонатми? Яна хаёлга бериламан, қор эса ёғаверади, ёғаверади... тўхташни билмай ёғаётган қор беғубор орзуларимни кўмиб, уни армонларга айлантираётгандек гўё. Маҳзун-маҳзун хаёллар қор учқунларига қўшилиб мени хотиралар оламига олиб кетади.

— Азизим, кетдик, чопдик, — дейди У. — Қаёққа эканлигини сўрамайман, дарров тушунаман. Ана, биз севган дарахтлар, биз севган бепоён дала! Юмушдан бўшаган дала, бир томонга соя солган дарахтлар қорга бурканиб, бизга таъзим қилади.

Қорни зўр-базўр кўтариб бошлайди У. Қўлларимни ҳавога кўтариб, уст-бошимга дув-дув тўкилаётган қордан завқланаман. Қиқирқиқир куламан. Назаримда бу оламда биздан бахтли инсон йўқ. Қор эса иккаламизнинг устимизга қуйилаверади. Табиатга қўшиламиз, дарахтмиз, осмонмиз, оппоқ қормиз... Ҳаммамиз баробармиз...

— Гули, қулоғингга бир гапим бор, — дейди у аста шивирлаб.

—Айтманг, айтиб бўлдингиз, — дейман қизариб.

— Мени тутинг–чи!

Кенг дала бўйлаб чопиб кетаман. У менга энди етайетай деганида, чап бераман. Ниҳоят, У менга етиб оладида, музлаб қолган қўлларимдан ушлайди. Кўзларимга узоқ тикилади. Тикилади... тикилаверади... унинг кўзлари саволлар ёғдиради. Менинг кўзларимда, юрагимда жавоблар тайёр. Индамайгина илк марта Унинг меҳр балқиб турган қалбининг иссиқ тафтини, юрагининг гурс-гурс уришини ҳис қиламан. Қулоқларимгача қизариб кетганини сезаман.Кейин унинг қучоғидан сирғалиб чиқиб яна чопиб кетаман. Тиззага келгудек қор, югуриш қийин. Бор кучимни ишга соламан. Ишқилиб йиқилмасам бас, У етолмайди... Йўқ, чарчадим, чиндан ҳам чарчадим.

— Гули, Гули, тўхта!..

Йиқиламан. У эса худди шуни кутиб тургандек етиб олади менга. Энди ўрнимдан турай деганимда бирга йиқиламиз. Юмалаб-юмалаб қорбўрон ўйнаймиз.

Тағин бизга осмон, булут, дарахтлар, бутун олам қўшилади. Биз табиат бағридамиз, табиат бизнинг бағримизда...

Мен ўша, иккимиз қорбўрон ўйнаган кунларни ҳар қор ёққанида соғинавераман. Юз-кўзларимга қўнган қор учқунлари эриб, шабнамга айланади. «Қор, мен сени жуда яхши кўраман...» — деб пичирлайман.

Қор эса айланиб-айланиб ёғаверади...

Қор эса тинимсиз ёғаверади...

Дилбар БЕКЖОНОВА

• *Эзгу қадриятлар*

Халқимиз азал-азалдан бағрикенглик, саховат, меҳр-мурувват каби қадриятларни эъзозлаб келади. Бу йилнинг муҳтарам Юртбошимиз томонидан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши халқимизнинг қон-қонига сингган қадриятларга ҳамоҳанг бўлди.

КЎНГИЛЛАРДА УМИД УЙҒОТИБ

Яқинда Қўқон шаҳридаги 17-Меҳрибонлик уйи ҳақида тайёрланаётган «Сен ёлғиз эмассан» деб номланган китобнинг қўлёзмаси билан танишиб чиқишга тўғри келди. Мен ҳозир бу Меҳрибонлик уйининг фаолиятига тўхталмоқчи эмасман, бу алоҳида мавзу. Қўлёзмани ўқиш давомида бу даргоҳнинг беминнат ҳомийлари саховати мени тўлқинлантириб юборди. У ердаги муаммоларни ҳал этишда, бинони янги қиёфага келтиришда, хоналарни замон талаблари асосида таъмирлашда ҳомийларнинг ҳиссаси катта экан.

Қўқонда фаолият кўрсатаётган, Раҳматжон Сулаймонов бошчилик қиладиган «Ромелло» хусусий корхонаси ўз ташаббуси билан 17-Меҳрибонлик уйига беминнат ёрдам кўрсатиб келган. Ҳатто, аввал қайси ташкилотдан эканликларини ҳам билдиришмаган. Меҳрибонлик уйига қарашли «Ширинтой» оромгоҳини ҳам таъмирлаб берган.

«Ромелло» корхонаси маъмурияти «Она-бола маркази», «Гўдаклар уйи», «Қариялар уйи»га ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатган.

Саховатпешалик Раҳматжон Сулаймоновга ёрдамга муҳтож инсонлар, ташкилотлар, шаҳар тадбирларидан кўмагини аямаган, ўзидан яхши ном қолдириб кетган отаси, Ғаффор отадан ўтган бўлса ажаб эмас. Раҳматжон Сулаймоновга «Таълим ҳомийси» нишони берилиши ҳам унинг эзгу ишларининг эътирофи десак, муболаға бўлмас.

17-Меҳрибонлик уйининг ҳомийларидан яна бири, «Қишлоқхўжаликкимё» базаси директори Жаҳбархон Ҳасанов ҳақида ҳам тўхталиб ўтмасак бўлмас.

Жаҳбархон ака Меҳрибонлик уйининг таъмири учун 2004 йилда 25 миллион сўмлик ёрдам кўрсатган. Ўша йили Кимёгарлар кунида ўтказилган корхонанинг байрам тадбирида 11 нафар боланинг суннат тўйини ўтказиб, ҳар бир тўй болага банкда ҳисоб рақами очиб, 50.минг сўмдан пул қўйган. Ж.Ҳасанов ҳам «Таълим ҳомийси» нишони билан тақдирланган.

Саховатли кишиларнинг меҳр ва эътиборлари ота–онасидан эрта жудо бўлган ёки ота–онаси ҳаёт бўлса–да, улардан меҳр кўрмаган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг кўнгилларида одамларга ишонч, умид уйғотган бўлса ажаб эмас.

Токи, халқимиз орасида номлари юқорида зикр этилган саховатпеша, меҳрибон, ғариб кўнгилларни обод этгувчи инсонлар бор экан, эзгу қадриятларимизнинг умри бардавом бўлажак.

Асолат АҲМАДҚУЛ қизи

Ҳар қандай одам ҳам адабиётни тушунгани билан асар ёза олмайди. Чинакам истеъдод эгасигина буни амалга ошириши мумкин.

Бадиий асар, ҳақиқий истеъдод адабий тур, жанрлар орқали намоён бўлади. Бадиий ижодга лаёқати бор одам исталган жанрда қалам тебрата олиши мумкин. Кўп ҳолларда улуғ ёзувчи ҳам нари борса икки-уч жанрлардагина ўзини ёрқин намоён эта олади. Санъаткор бир турда жуда яхши натижаларга эришиб, бошқасида унча машҳур бўла олмаслиги, яъни номи кўп вақт китобхонлар тилидан тушмайдиган кашфиётлар қила олмаслиги мумкин. Ҳар ҳолда, бунинг учун ёзувчида ноёб истеъдод, ажойиб ўзига хослик, услуб бўлиши керак.

ЧИНАКАМ ИЖОД СОҲИБИ

Ҳар бир ёзувчи фақат ўз услуби — ўзига хос ижодий қиёфаси, овози билан адабиётнинг умумий хазинасига ҳисса қўшади. Асарлар бир-бирига ўхшаганлиги билан эмас, балки бир-биридан фарқ қилиб турувчи хусусиятлари билан қиziқарли бўлади.

Таниқли ёзувчи Пиримқул Қодиров чинакам истеъдод ва ўзига хос услубга эга адиблардан бири саналади. Бунга иқрор бўлмоқ учун ёзувчининг «Қадрим», «Эрк» қиссаларининг қандай услубда ёзилганлигини эслаш кифоя. Ҳар икки қиссада ҳам адиб устамонлик билан давр руҳини очишга ҳаракат қилган. «Эрк» қиссасида Тошкент метро қурилиши ҳақида сўз борса, «Қадрим»да газ конларидан бирида қайнаган меҳнат жараёни манзаралари қаламга олинган. Ҳар икки мавзу ҳам қаламга олинган давр учун долзарб ҳисобланади.

Адиб ўз ғоясини намоён этишда асар қаҳрамонларининг ўй-кечинмаларидан ўзига хос йўсинда фойдаланган. Жумладан, «Эрк» қиссасида муаллиф аввал бошданоқ, асар қаҳрамонларидан Саттор Розияга қандай боғланганлигини таъкидламасдан туриб, метро қурилиши лойиҳаси муҳокамасига келган москвалик меҳмонлар олдида қизнинг «гидрогеолог» эканлигини маълум қилади. Ҳар икки асар қаҳрамони Зулайҳо ва Розия ҳам ўқимишли, бири геолог бўлса, иккинчиси гидрогеолог эди.

Ёзувчининг услубига хос хусусиятлардан бири — у турли касбдаги кишиларни турмушнинг ниҳоятда зиддиятли, мураккаб жараёнлари гирдобидан олиб ўтишдан ҳайиқмайди. «Қадрим»даги ҳаёт мураккаблиги шундаки, Искандар каби содда одамларни ёзувчи Зулайҳо сингари қизлар фикри билан ҳаракатга келтиргандек бўлади.

Пиримқул Қодиров ўзининг асарларида шу нолойиқликнинг ижтимоий моҳиятини ёритиш мақсадида хилма-хил, ранг-баранг бадиий типлар, ҳаётий образлар, мураккаб характерлар яратиб, услубнинг беқиёс қудратини намоён қилиш йўлида қалам тебратган. «Қадрим»га қараганда «Эрк» қиссасида, айниқса, бу яққол кўринади. Мазкур асар кучли туйғулар, ўткир ғоялар тўлқини билан мавжланиб, қалблардаги шиддатли авж олдиради. Аниқроғи, «Эрк»да тинимсиз изланиш-интилишлар, курашлар билан нафас олаётган замондошларимизни учратамиз, уларнинг қувончлари, ғам-аламлари, зафарлари-ю муваффақиятсизликларига шерик бўламиз. Асарда икки омил — ҳаётийлик ва бадиийлик бир-бирига моҳирона чатиштириб юборилганлиги туфайли қаҳрамонларнинг кечинмалари қалбни тўлқинлантирадиган даражада рўёбга чиқади.

Адиб услубининг яна бир ажойиб томони бор — у қиссаларида халқ мақоли-ю ибораларидан унумли фойдаланади. Масалан, «Қадрим»да «Қорнимга йиғламайман, қадримга йиғлайман», «Ҳар ким суйган ошини ичади», «Эрк» қиссасида эса «Сулув сулув эмас, суйган сулув», «Хом сут эмган банда», «Оҳ урса, осмон ларзага келади» каби мақолларни ўз ўрнида қўлланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ижодкор кам ўрганилган ёки ўрганилмаган воқеаларни, ҳаётимизда учрамайдиган ҳодисаларни тасвирлаб асар яратавериши ҳам мумкин. Лекин бу ўша асарнинг муваффақиятини, ёзувчининг ўзига хос услубини белгиловчи омил бўлиши қийин. Чинакам ижод соҳиби ҳар куни турмушимизда учрайдиган, биз кўриб юрган нарсаларни ҳам ўзгача, янги мазмун билан тасвирлай олади.

Сўз — ўтган кунлардан келажакка хабар элтувчи тенгсиз восита. Адиб ҳар икки асарда ҳам ана шу воситадан ва услубнинг гўзал қирраларидан фойдаланган. Буларнинг бош сабабчиси — ёзувчининг баркамол истеъдоди. Мана шу истеъдод Пиримқул Қодировни ижодкорлик масъулиятини бир лаҳза унутмай, доимо олий мақсад йўлидан — халқимиз маънавиятини тарбиялаш йўлидан бошлаб юради.

Санобар ОЛТИБОЕВА,
ЎзМУ аспиранти

Миллий тикланишт — миллат келажаги
MILLIY TIKLANISH
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Хорижда ХОР БЎЛДИМ

Сабр таги сариқ олтин, дейишади. Ҳақ гап. Зеро, Тангри таоло ҳам сабрли бандаларини севар экан. Бугунги ўтиш даври ҳақиқатда айримлар учун бироз мушкулликлар ҳам келтириб чиқармоқда. Биз уларни тушунишимиз мумкин. Бироқ, бу дунёни фақат мол-дунёдангина иборат деб биладиганлар, бу йўлда шахсий манфаати учун ўзгаларнинг ҳаётини қурбон қилиб юборадиганлар ҳам топилади, орамизда. Қуйида ана шундай бир воқеанинг гувоҳи бўласиз.

... Нодирнинг бу нафратомуз сўзлари шундоқ ҳам ҳаётдан минбаъд совуган кўнглимни баттар азоблади.

Нахотки?.. Нахотки, беш йиллик севгим ҳам Исроилда ўтган беш ойлик умрим, деб хазонга айланса? Аслида ҳамма айб ўзимда. Мол-дунёни севгидан устун қўйиб хорижга ишлашга кетдим. Исроилга бормай, Нодир билан турмуш қуришим керак эди. Бу борада у қанча ялинган ҳам эди. Афсус, минг афсус...

Отам ўлгач, онам иккимиз бироз гангиб қолдик. Марҳумнинг ҳақига қилинадиган барча маросимларни ўтказгач, оилада иқтисодий танглик юз берди. Онамнинг нафақаси, менинг котибаликдан олаётган маошим эса иккимиз учун урвоқ ҳам бўлмасди. Хуллас, ана шундай аянчли дамда дугонам — Наргиза холаси билан таништирди. У киши ўзини Исроилдаги аллақайси фирманинг Ўзбекистондаги вакили деб таништирди. Мен каби ишлаб пул топишни хоҳлайдиган қизлар ва аёллардан ўн нафарини тўплаб, Исроилга юбориши кераклигини айтди. "У ёқда официанткалик вазифасини бажарасизлар, ойлик маош эса долларда тўланади", деб ваъда берди.

Орадан бир ой ўтгач, ўша аёл мен каби тўрт қиз, олти жувонга ҳужжат тўғрилаб, Исроилга олиб жўнади. Мен билан келган қиз-жувонларнинг ҳаммаси ҳусну малоҳатда ўзига яраша эди. Бу ҳолат бошда ҳеч кимни шубҳалантирмади. Лекин эртаси куни... Ҳаммаси етиб келганимизнинг эртасидан бошланди. Бизни олиб келган аёл — Наргизанинг холаси паспортларимизни йиғиб олиб, биз келиб тушган ҳовлининг хўжасига топширди. Бизга эса "Бу зарурат юзасидан. Сизлар кўнглингизни чўктирмай, бу киши нима деса бажаверингизлар. Мен эса Ўзбекистонга қайтаман. Сизлар билан олти ойдан сўнг кўришамиз", деб жуфтакни ростлаб қолди. Биз секин-секин қаерга келиб қолганимизни тушунгандек бўла бошладик. Биз турган жой катта амалдорларнинг ишратхонаси экан. Бошда мен каби бокира қизлару айрим аёллар уларнинг айтганига кўнмадик. Шунда улар бизни оч қолдириб, азоблай бошлашди. Улар бизларни олти ойга сотиб олганликларини айтиб даҳ-даҳа қилардилар. Агар кўнмасак, очдан ўлиб кетишимизни ҳам қистириб ўтардилар. Очлиқдан силласи қурий бошлаган аёллар биринкетин таслим бўлишди. Орадан бироз фурсат ўтгач, очлик, таёқ зўридан биз ҳам тақдирга тан беришдан ўзга чора тополмадик.

Шу алфозда орадан тўрт ойча вақт ўтди. Уларни билмадиму менинг хаёлимдан доим бу жаҳаннам азобидан қандай қилиб бўлса ҳам қочиб қолиш кетмасди. Кўз олдимдан отамдан айрилиб, гавдаси букчайиб қолган онам, болалигим ўтган кўчалар кетмасди. Ўша лаҳзаларда борига қаноат қилиб яшамаганим учун ўзимни қанча ҳақоратласам, ҳатто ўлдирсам ҳам оз эди. Ахийри, қочишга бўлган уринишларим самарасини берди. Ҳаётдан безиб кетган кўнглим, қолаверса, келадиган доимий "мижоз"ларга бўлган бефарқлигим хўжамнинг асабини бузди. Мени алоҳида бир хонага кулфлаб қўйишди. Мен эса бундай вазиятдан фойдаланиб, учинчи қаватнинг деразасидан латта-путталардан қилинган арқон ёрдамида тушиб қочдим.

Қочаяпману, тутиб олишса, ўлишимни билиб, элчихонага боришга аҳд қилдим. Ҳужжатларсиз амаллаб элчихонани топиб бордим. У ёққа боргунча ҳам яна бир нечтанинг кўнглини овлашга мажбур бўлдим. У ердаги баъзи бир яхши одамларнинг ёрдамида Ўзбекистонга қайтишга мушарраф бўлдим. Тошкент тайёрагоҳига келиб тушгач, ўз Ватанимга тирик қайтиб келганимга бир йиғласам, онамнинг, кўнгил қўйган йигитимнинг кўзига қандай қарайман, деб бир йиғладим. Уйга келиб онамга кўзим тушгач, шундай дод солиб йиғладимки, онам бечора ўзини йўқотиб қўяёзди. Кейин... Кейин эса унга ҳаммасини айтиб бердим. Онам ҳам шум тақдирни, Наргизанинг холасини лаънатлаб роса йиғлади. Менинг келганимни эшитган ёру биродарлар, қўни-қўшнилар чиқишди. Юзимнинг шувутлигини улар қаёқдан ҳам билишсин. Энди нима қилмоқ керак?

Шундай кунларнинг бирида Нодир телефон қилиб қолди. Гаплашдик. Учрашдик. Унга бор гапни айтишга жазм қилдим. Аввал, Нодирнинг кўзлари пир-пир учди. Сўнг эса шундай сўзларни айтдики, мен ўша тупроқларда қолиб ўлиб кетмаганимга афсусландим. Борига қаноат қилиб шу ерда яшамаганимга ўз-ўзимни яна бир бор лаънатладим. Аммо, энди бу лаънатлар фойдасиз эди.

Бизни алдаб, қалбаки ҳужжатлар билан хорижга чиқарган дугонамнинг холаси ҳозир озодликдан маҳрум этилган. У-ку, жазосини олди, лекин мен каби қизлар бир умрлик бахтимиздан жудо бўлдик. Аслида бу ҳолга тушишимизга ишонувчанлигимиз, борига шукр қилмаслигимиз сабаб эди. Хуллас... билмайин бос-дим тиконни, тортаяпман жабрини.

Дилрозанинг сўзларини оққа кўчирувчи:

Бобомурод ОДИЛОВ

● *Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг*

ЧАҚМОҚ СУЙГАН ОДАМ

Сарлавҳани ўқиб хайрон бўлаётгандирсиз? "Чақмоқ ҳам одамни суяр эканми?" дейишга шошилманг. Шундай бўлиши ҳам мумкин экан.

Виржиниялик Рою Саллавино ўшанда 16 ёшга кирганди. Бир куни ёмғирда сайр қилиб юрганида ногаҳон чақмоқ тушиб, оёғининг бош бармоғи тирноғини кўчириб юборди. Ўша вақтда у чақмоқ билан яна тўқнаш келаман, деб сира ўйламаганди.

Орадан 26 йил ўтди. Саллавино чақмоққа ёқиб қолган шекилли, уни яна йўқлаб келди. Бу сафар чақмоқ унинг нақ пешонасига тегди. Оқибатда қошлари куйиб кетди.

Орадаги муддат қисқариб, чақмоқ яна икки йил ўтгач, уни излаб келди. Энди Саллавинонинг чап елкаси жароҳатланди. Қизиғи шундаки, чақмоқ уни аниқ мўлжалга олмас, гўёки у билан ўйин ўйнаётгандек эди. Саллавино очиқ ҳавода сайр қилиб юрганда ҳам бехосдан ҳаво айниб қолиб, чақмоқ уни топиб келаверарди. Саллавино билан чақмоқнинг учинчи учрашуви яна икки йилдан сўнг юз берди. Бу гал Саллавино сочларидан ажралиб қолди.

Шу воқеадан сўнг Саллавино уч йилча хотиржам яшагандек бўлганди. Аммо бир куни ёмғир бошланишини сезган Саллавино қанча шошилмасин, уйигача етиб келолмади. Чақмоқ унинг ўнг кафтига урилди. Бу ҳолат чақмоқнинг у билан дўстона саломлашувига ўхшарди. Шўрликнинг кафтидаги жароҳат битмай туриб, орадан бир йил ўтмай, чақмоқ унинг қорин ва кўкрак қисмига зарба берди. Саллавино охирги вақтда умуман уйидан чиқмас, тобора руҳий тушкунликка тушиб борарди. Ахийри бу ҳолат унинг ўз жонига қасд қилишига сабаб бўлди.

Хориж матбуотидан М.РАҲМАТОВ таржимаси

● *Футбол*

Ўзбекистон 61-ўринда

Олдин хабар бериб ўтганимиздек, бугун Ўзбекистон ва Бангладеш терма жамоалари ўртасидаги ўйин "Пахтакор" марказий ўйингоҳида ўтказилади. Бу жамоалар ўзаро яшил майдонда фақат бир маротаба тўқнаш келган ва унда юртдошларимиз қийинчиликсиз ғалаба қозонишган.

Мазкур ўйин олдидан Валерий Непомняший шогирдлари БААдаги ўқув-йиғин машғулотлари чоғида Фарғонанинг "Нефтчи" жамоасига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга чиқиб, 1:2 ҳисобида мағлубиятга учради. Терма жамоанинг ягона голига Анвар Солиев муаллифлик қилди.

Ўзбекистон терма жамоаси халқаро ФИФА ташкилоти эълон қилган янги рейтинг жадвалида икки ўрин пастлаб, 61-поғонага тушиб қолди, деб хабар беради Ўзбекистон футбол федерацияси ахборот-таҳлил бўлими. Ўтган ойдаги кўрсаткич 59-ўрин эди.

Рейтинг жадвалига кўра, ҳамдўстлик мамлакатлари терма жамоалари орасида вакилларимиз энг кучли уч жамоадан бири бўлиб турибди. Уларни Россия ҳамда Украина футболчилари қувиб ўтишган. Осиё минтақасида эса, Ўзбекистон термаси Япония(18-ўрин), Эрон(22), Жанубий Корея(31), Саудия Арабистони(35), Австралия(48), Баҳрайн(52), Ироқ(55) терма жамоаларидан сўнг, 8-ўринда бормоқда. Маълумот ўрнида айтиш керакки, шу вақтгача Океания футбол конфедерацияси аъзоси бўлиб келган Австралия терма жамоаси, 2006 йилдан эътиборан Осиё футбол конфедерациясининг янги аъзоси сифатида қитъа турнирларида иштирок этади.

Суннатилла ИСЛОМОВ

Энг, энг, энг

Энг бадавлат АЁЛЛАР

«Форбс» журналидаги маълумотга кўра, Уол-Март тармоғи асосчиси Сэм Уолтоннинг қизлари бева Элис Уолтон ва Элен Уолтонларнинг ҳар бирининг 16 миллиард доллари бўлиб, миллиардерлар ҳисобланишади.

Энг катта СОВҒАЛАР

1991 йилнинг энг бадавлат кишиси Уолтер Анненберг бўлиб, у Нью-Йоркдаги «Метрополитен» музейига 1 миллиард долларли санъатга оид коллекциясини топширган қўли очиқ ватанпарвар ҳисобланади, у шу жиҳати туфайли Гиннесснинг «Рекордлар китоби»га киритилган.

1997 йил медиа-магнат Тед Тернер жаноблари БМТнинг қочоқларга ёрдам дастурига ўз шахсий ҳиссаси сифатида 1 миллиард доллар ўтказган ягона инсонпарвар киши ҳисобланади.

Энг қиммат МАХСУС КЕМА

1996 йил Германия кема қурувчилари қурган махсус жиҳозланган «Уорлд оф дэнСи» кемасининг узунлиги 304 метр. Унда 7 та ресторан, бар, кино заллари, ибодатхона, тунги клуб, кутубхона, ишбилармонлар маркази, супермаркет, махсус сузиш учун ҳовуз, теннис корти, вертолёт майдончаси бўлиб, саёҳатчилар учун 500 хизмат тури бўйича ходимлар хизмат қилишади.

Махсус немис кема қурувчилари қурган замонавий кеманинг сарф-харажати «атиги» 529,7 миллион долларни ташкил қилган.

Энг қиммат ҚЎЛ СОАТИ

Хориж журналистларидан бирида шаҳзода Бруннинг укаси Жефри 1993 йил Буюк Британияда ўтказилган кимошди савдосида сотган 10 та бриллиантли соат бор. У соатни 5,2 миллион долларга сотиб олганди. Бу дунёдаги энг қиммат қўл соати.

С.ШОШИЙ тайёрлади

● *Фойдали маслаҳатлар*

Қон босимингиз ошдими?



Қон босими юқори бўлган одамлар қовоқ солиб пиширилган таомларни кўпроқ истеъмол қилишлари керак бўлади. Чунки қовоқ қон босимини пасайтирувчи энг яхши восита.

***

Тоғ ялпизи — «кийик ўтдан» дамланган чой қон босимини пасайтириш ва асабларни тинчлантириш хусусиятига эга.

***

Мелисса (лимон ўт) ўсимлигини чой сифатида дамлаб ичиш қон босимини пасайтириб, асабларни тинчлантиради.

***

Гипертония билан оғриган одамлар доимо кўк чой ичишлари керак.

***

Кунига бир-икки бош хом пиёз истеъмол қилиб юрган одамларнинг қон босими ҳеч қачон кўтарилмас экан.

***

Бир стакан қайнаган сувга бир қошиқ беда гули солиб, 30 дақиқа дамланади. Докадан ўтказилиб, икки уч ҳафта давомида кунига ярим стакандан уч маҳал ичилса, қон босими ошган бемор учун яхши самара беради.

***

Бир стакан сутга икки дона саримсоқ пиёз солиниб, юмшагунча қайнатилади. Докадан ўтказилиб, 10-15 кун давомида илиқ ҳолда овқатдан кейин бир ош қошиқдан ичилади.

***

Тенг миқдорда олинган асал ва қизил лавлаги шарбатини аралаштириб, 2-3 ҳафта давомида кунига 4-5 марта бир ош қошиқдан ичилса, шифо бўлади.

***

Янги картошкани сувда қайтаниб пўсти билан тузсиз ейиш ҳам бу касалликка қарши самарали восита ҳисобланади.

***

Янги тутилган балиқдан тайёрланган балиқ шўрва ҳам гипертония билан оғриган беморларга шифо бўлади.



О.ЖАББОРОВ тайёрлади

Эрон ядро дастурлари: РОССИЯ ЁРДАМ ҚЎЛИНИ ЧЎЗИШГА ТАЙЁР

Душанба куни Россия пойтахти Москва шаҳрида Россия–Эрон музокаралари бошланди. Маълум қилинишича, музокаралар Эрон ядро дастурлари масаласига бағишланган.

Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши матбуот хизмати тарқатган хабарларга кўра, унда Россия томони билдирган уран моддасини қайта ишлаш бўйича қўшма корхонани Россия ҳудудида қуриш ҳақидаги таклиф кўриб чиқилади.

Музокараларни Россия томонидан РФ Хавфсизлик кенгаши котибининг ўринбосари Валентин Соболев, Эрон томонидан эса Миллий хавфсизлик олий кенгаши раисининг ўринбосари Али Хусейни-Таш олиб боради.

Россия Ташқи ишлар вазири Сергей Лавров Россия-Эрон музокаралари натижалари бу масаланинг МАГАТЭ фаолияти доирасида сақлаб қолиш имконини беришига умид билдирган. Унинг айтишича, шу мақсадда Эрон уран моддасини қайта ишлашга мораторий эълон қилиши ва манфаатдор тарафлар билан ҳамкорлик муносабатларини давом эттириши зарур. Шунингдек, Лавров бу масаланинг ҳал қилинишида шу йилнинг март ойида Венада ўтказиладиган МАГАТЭ бошқарувчилари кенгаши йиғилишининг катта аҳамиятга эгалиги ҳақида ҳам гапириб ўтган.

Яқин Шарқ: ВАЗИЯТ ТОБОРА ЧИГАЛЛАШМОҚДА

20 февраль куни АҚШ Молия вазирлиги мамлакат банк муассасаларига «Хамас» ва «Ал-Қоида» гуруҳларини молиялаштирганликда гумон қилинган «Kind Hearts of Toledo» ҳайрия ташкилотининг ҳисоб рақамларини музлатиб қўйишни буюрди.

Бу ташкилот илгари ҳам террористларга ёрдам берганликда айбланган. Хориж журналистлари АҚШнинг бу ҳаракатларини Фаластиннинг янги ҳукуматиға нисбатан кўриладиган иқтисодий таъсир чораларининг бошланишидир, деб баҳолашган.

Бир кун илгари – 19 февраль куни эса Исроил ҳукумати ҳам Фаластинга қарши санкция чораларини белгилаб олган. Булардан энг сезиларлиси, Исроилнинг солиқ ва божхона тўловларидан тушадиган 50 миллион доллар (бир ойда) маблағнинг бундан буён мухториятга ўтказилмаслигини маълум қилганлиги бўлди. Шунингдек, қўшимча таъсир чоралари сифатида «Хамас» гуруҳи аъзоларининг ҳаракатларини чегаралаш, Фаластин ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларига ёрдам бермаслик, чегара ҳудудларида назоратни кучайтириш ва жаҳон ҳамжамиятини Фаластинга ёрдам бермасликка чақириш кабилар эътироф этилган.

«Исроил «Хамас» иштирок этган маъмурият билан ҳеч қандай алоқа қилмайди, бу иштирок хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик», — маълум қилган Исроил бош вазири вазифасини бажарувчи Ёҳуд Олмерт. Шунингдек, Европа Иттифоқи ҳам «Хамас» Исроилни тан олмаса ва зўравонликдан воз кечмаса, Фаластинга моддий ёрдам беришни тўхташини маълум қилган.

Воқеаларнинг бундан талқинда кечиши мухторият раҳбари Маҳмуд Аббосни «мухторият молиявий инқирозни бошидан кечираётган»лигини тан олишга мажбур қилган.

«Аммо шу билан биргаликда Фаластиннинг янги бош вазири Исмоил Хания бу молиявий чекловларга унча аҳамият бермаяпти, Хания Фаластинга Ғарбдан келадиган ёрдам воситаларининг қисқартирилишини ҳам жиддий муаммо эмаслигини эътироф этмоқда. Унинг айтишича, уларнинг ўрни араб ва ислом оламидан келадиган кўмак ҳисобига тўлдирилади», дейилади «ВВС» хабарларида.

Эрон диний раҳнамоси Али Ҳумайний барча араб мамлакатларини «Хамас»га ёрдам бериш учун жипслашиш»га чақирган. Бу ҳақда «Regnum» ахборот агентлиги хабар беради.

Филиппин: ДАҲШАТЛИ ОФАТ КОМИДА

Ўтган жума куни Филиппин давлати ҳудудида жойлашган Лейте оролидаги Гуансаугон қишлоғи даҳшатли ер кўчкиси тагида қолган эди. Куни кеча хориж матбуотида кўп минг тонналик лой ва тош аралашмаси остидан 50 нафар тирик одам топилганлиги ҳақида хабарлар тарқатилди.

Маълум қилинишича, топилган жабрдийдалар қишлоқ мактаби ўқувчилари экан, ер кўчкиси пайтида улар дарс машғулотларида бўлишган. Расмий доиралар бу хабарни ҳозирча тасдиқлаганлари йўқ.

Эслатиб ўтамиз, пойтахт Маниладан 675 км. жанубда жойлашган Лейте оролидаги бу даҳшатли офат натижасида қишлоқда яшовчи 1857 кишидан бор-йўғи 410 киши тирик қолган, 72 нафарининг мурдалари топилган. Қолган фуқароларнинг тақдири номаълумлигича қолмоқда.

Муху Алиев – ДОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

Доғистон парламенти илгари Халқ йиғинига раислик қилган Муху Алиев номзодини республика президенти вазифасига тасдиқлади.

Алиев номзоди Россия Президенти Владимир Путин томонидан депутатлар тасдиғига киритилган эди.

Муху Алиев Доғистон тарихидаги биринчи президентдир. Бунга қадар – 1994 йил июлдан бошлаб Россия Федерацияси субъекти ҳисобланган бу республика 14 вакилдан иборат Давлат кенгаши томонидан бошқарилган. Алиевга қадар бу кенгашга Магомедали Магомедов раислик қилган эди.

58 минг одамни алдаган ФИРИБГАР УШЛАНДИ

Туркия пойтахти Истамбулда жуда кўп миқдорда фирибгарлик жиноятини содир қилганликда айбланган Эрон фуқароси Али Аяши ҳибсга олинди.

Аяши 58 минг нафар эронлик ҳамюртларини катта фойда ваъда қилиб, накд 83 миллион долларга алдаган. Ишониш қийин, аммо факт!

«Супер фирибгар» Интерпол санкциясига асосан, Туркия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан қўлга олинган. Ҳозирда унинг Эронга экстрадиция қилиниш масаласи ҳал қилинмоқда.

Интернет хабарлари асосида Али БОЙ тайёрлади

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH

Таҳрир ҳайъати

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80,
реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 423.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2090
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00